



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

BOSHLANG'ICH TA'LIMGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA RIVOJLANISH OMILLARI

XALQARO ILMIIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил, 1 -2 апрель

Бухоро - 2021

Илмий анжуманнинг дастурий кўмитаси

- О. Х.Хамидов – Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, раис.
- О.С.Қаҳҳоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Ў.У. Рашидов – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ю.А. Пўлотова – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, котиб.

Илмий анжуманнинг ташкилий кўмитаси

- О.С.Қаҳҳоров – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, раис муовини.
- Г.Т. Зарипов – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ф.М.Қосимов – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Ғ.М.Сайфуллаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Н.Б.Адилова – бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо.
- Р.А.Қўлдошев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
- Р.Х.Жумаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Тўшам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2021 йил 1 апрель куни Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида **“Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ этишнинг замонавий тенденциялари ва ривожланиш омиллари”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

Масъул муҳаррир:

А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари доктори, доцент

Такризчилар:

Б.Р.Адилов, педагогика фанлари доктори, профессор

Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мақсадга мувофиқ ҳаракатларни бажаришда деярли барча ҳолатларда чап қўлдан фойдаланувчилар чапақайлардир.

Таянч тушунчалар: Амбидекстр, International Lefthanders Day, чапақай, ўнақай

Аннотация: Практически во всех случаях пользователи-левши получают аплодисменты при выполнении целевых действий.

Ключевые слова: Ambidexter International Lefthanders Day, левша, правша

Abstract: In almost all cases, left-handed users receive a round of applause when performing targeted actions.

Keywords: Ambidextr, International Lefthanders Day desk, left-handed, right-handed

Мақсадга мувофиқ ҳаракатларни бажаришда деярли барча ҳолатларда чап қўлдан фойдаланувчилар чапақайлардир. Илмий жиҳатдан, шахсий юмушларни асосан чап қўлда бажарувчилар чапақай деб аталади. Одам бош миясининг ривожланиш жараёнида амаллар чап ва ўнг ярим шарлар ўртасида тақсимланади.

Бош мия иккита, яъни чап ва ўнг ярим шардан иборат. Бош миянинг чап ярим шарида нутқ марказлари жойлашган. Шунинг учун ҳам бош миянинг чап ярим шарида сўз билан боғлиқ барча тафаккур ғоялари амалга оширилади. Бош миянинг ўнг ярим шарида объектларнинг фазовий жойлашувини таҳлил қилиш учун жавоб беради. Масалан, атроф-муҳитдаги уйлар, дарактлар, машиналар, ҳайкаллар ва борингки, ҳар қандай шаклга эга бўлган объектларни шакл-шамойилини таҳлил қилади. Демак, бош миянинг ўнг ярим шарида дунёни сўз иштирокисиз қабул қилади ва бу ерда асосан кўриш анализаторининг аҳамияти катта. Чап ярим шар эса сўз билан ифодаланган маълумотларни қабул қилади ва таҳлил қилади. Образли қилиб айтганда, чап ярим шар асосан сўз билан, ўнг ярим шар эса кўз билан дунёни идрок этади. Бу уйғунлик сақланган бўлса, инсоннинг хотираси ҳам мустаҳкам бўлади.

Китобдаги сиз кўраётган геометрик шаклларни қабул қилиб олиш ҳам ўнг ярим шарнинг вазифаси. Бироқ, ҳар қандай фазовий жисмлар ёки геометрик шаклларни сўз билан ифодалаб бериш талаб қилинса, бу ерда чап ярим шар ёрдамга келади. Демак, чап ярим шарнинг тили бор. Бироқ ҳозир мен келтириб ўтган мисоллар *ўнақайлар* учун хос. Чапақайларда эса нутқ марказлари бош миянинг ўнг ярим шарида жойлашган. Демак, *чапақайларда* чап ярим шар бажарадиган аксарият функциялар ўнг ярим шар зиммасига юклатилган. Бундай ташқари *амбидекстрлар*, яъни олий руҳий функцияларни бажаришда миянинг иккала ярим шаридан бир хилда иштирок этадиганлар ҳам бор. Бундайлар иккала қўли билан ҳам бир хил ишлай оладиганлар. Бироқ, бу дегани иккала қўли билан ҳам ёза олади, дегани эмас. Масалан, амбидекстр ёзганда қаламни ўнг қўлига олади, нон кесиш учун чап қўли билан пичоқни ушлайди. “Тоза” чапақайлар 15 % дан ошмайди. Бизнинг орамызда амбидекстрлар ва ўнақайлар кўп. Амбидекстрларда нутқ функциясини бажаришда бош миянинг иккала ярим шаридан ҳам иштирок этади. Шу боис амбидекстрларда инсулт сабабли нутқ бузилса, у тез тикланади.

Чапақайлардан композиторлар, рассомлар, футболчилар, боксчилар ва табиатшунос олимлар кўпроқ етишиб чиқади. Нима учун чапақайлардан буюк футболчилар чиқади, улар голни аниқ ва кўп уришади? Бу ҳолат геометрик фигуралар учун жавоб берадиган ўнг ярим шарнинг устунлиги билан боғлиқ. Улар дарвозанинг ҳар қандай бурчагини тўғри нишонга олишади. Чапақайлар ўнақайларга қараганда ҳиссиётга кўпроқ берилади. Шу сабаб уларни хафа қилиш осон. Балким шунинг учундир, уларда бировлардан устунлик қилишга интилиш юқори. Бироқ, чапақайлардан яхши ёзувчилар чиқмайди. Бу хусусият ўнақайлар учун хос.

Чапақайлар кўпроқ амалиётчи, ўнақайлар эса назариётчи бўлишади. Чунки миянинг чап ярим шаридан (яъни сўз марказлари жойлашган ярим шар) устунлик қиладиган ўнақайлар нарса ва воқеаларни таҳлил қилиб ўтиргунча, миянинг ўнг ярим шаридан устунлик қиладиган чапақайлар (амалиётчи яхши кўрадиган ўнг ярим шар) ишни дарров амалга оширади-кўяди. Назария билан амалиётчи биргаликда олиб борган инсонлар қайси типга киришидан қатъий назар доимо ютуқда бўлишини ҳам унутманг.

Флидерс университети профессори Майк Николснинг айтишича, инсон фақат генетик жиҳатдан чапақай ёки аксинча бўлиб туғилиши мумкин. Бироқ буни нуқсон дейиш мутлақо нотўғри. Жисмоний имкониятлар тенг бўлганидек ҳар икки тоифадаги одамларнинг ақлий қобилияти ҳам теппа-тенг.

Бутунжаҳон чапақайлар кунини нишонлаш ғояси илк мартаба 1990 йилда Британия Чапақайлар клуби томонидан берилган. 1992- йилнинг 13- августда у илк марта нишонланган. Клуб бу байрамда чапақай болаларни мактабларда мажбурлаб ўнг қўлда ёзишга ўргатишга қарши эканликларини намоёиш қилиб жамоатчилик эътиборини тортишга ҳаракат қилишади.

Ҳар йили 13-августда норасмий равишда Халқаро Чапақайлар куни (International Lefthanders Day) нишонланади. 1984-йилда ЮНЕСКО 13- августда Чапақайлар кунини нишонлаш борасида қарор қабул қилди. Бундан кўзланган асосий мақсад чап қўлидан кўпроқ фойдаланаётганларга эътибор қаратишдан, улар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборат. Маълумки, бир қатор мамлакатларда чапақайларни ўнг қўлда ёзишга мажбур қилиш ҳоллари ҳам учраб турарди. Халқаро Чапақайлар кунининг ўтказилишидан асосий мақсад ҳам мана шу каби ноҳуш ҳолатларга барҳам беришга қаратилган. Биринчи ўн йилликда бу байрам тор доирада нишонланган. Кенг жамоатчилик узоқ муддат Чапақайлар кунига эътибор қаратмай келган.

Айрим маълумотларга кўра, илк бор Халқаро чапақайлар куни 1976 йилнинг 13-августда International Lefthanders Day ташкилотининг ташаббусига кўра нишонланган эди. Бироқ бошқа манбалар биринчи Халқаро Чапақайлар куни 1992-йилнинг 13-августда Британия чапақайлар клуби томонидан ўтказилганини айтишади.

АҚШда ўтказилган 1991-йилги тадқиқотларга кўра, бошқаларга нисбатан чапақайлар кўпроқ ишлаб чиқаришдаги фалокатларда жароҳат олар ва вафот этар экан.

Чапақай одамларнинг пайдо бўлиши учун бир нечта фаразлар мавжуд, уларнинг асосий қисми генетика фанига тегишли. 2008- йилда LRRTM1 гени аниқланди. У мерос бўлиб ўтган ва боланинг қайси қўлини тез-тез ишлатишини аниқлайди.

Статистикага кўра, чапақай боланинг туғилиши эҳтимоли, агар иккала ота-она ўнг қўли бўлса, фақат 2%. Агар ота-оналардан бири чапақай бўлса, эҳтимолик 17% га ошади ва агар ота-оналарнинг ҳар иккаласи чапақай бўлишса 46% ҳолларда чапақай болалар дунёга келади.

Лекин, аслида, қайси қўл асосий бўлади, нафақат ирсий қобилиятга, балки перинатал асоратлар ва туғилиш шикастланиши натижасида ҳамда боланинг тарбияси ҳам боғлиқ бўлишини ҳам унутмаслик керак.

Мутахассислар чапақай болаларнинг қуйидаги ўзига хос психологик хусусиятларини алоҳида эътиборга молик деб биладилар:

- улар ўз таналарини яхши биладилар, ҳаракатларни яхши мувофиқлаштиришга эга, умуман, улар кўпроқ ҳаракатчандирлар, ўз-ўзини назорат қилишни талаб қиладиган бир хиллик фаолиятни ёқтирмайдилар;

- мактабда осонгина геометрияни ўзлаштира оладилар, атроф муҳитни тез ва тўғри англаш қобилиятлари бор, лекин арифметик билан боғлиқ муаммолар бўлиши мумкин, чунки бу эрда мантикий фикрлаш талаб этилади ва бу имтиёз - чап ярим шар ихтиёрида берилган;

- уларда умумлаштириш қобилияти яхши ривожланган, аммо таҳлил қилишга ўриниш, аксинча, қийинчиликларга олиб келади;

- чап қўллар ҳиссий, таъсирчан ва заифдир, шунинг учун улар ўнг қўлларга нисбатан тез-тез ҳақорат, ғазаб, безовталаниш ҳиссини туйишади, айниқса, улар бирор нарсани бажариб билишмаса;

- улар бой тасаввурга эга бўлган болалар ва катта хаёлпарастлардир.

Яна бир махсус гуруҳ одамлар бор, ки уларни **амбидекстра** дейишади. Улар ҳар иккала қўллари билан ҳам бир хил - яхши ишлаб билишади. Улар мияларининг ҳар иккала ярим шари тенг равишда ривожланган. Амбидекстрия кўпинча туғма маҳорат эмас, балки кўп йиллик доимий машқлар натижасида юзага келадиган истеъдодир. Бунга фақатгина тинимсиз меҳнат орқали эришилади. Ер юзидаги одамларнинг фақат 1%, албатта, иккала қўл билан ҳам тенг ва тўлақонли фаолият олиб бориб биладилар холос. Энг машҳур амбидекстр Леонардо да Винчи, Жими Ҳендрих, Кеану Реевес, Том Сруисе, Гарри Труман ва Мария Шараповалардир.

Маълумотларга қараганда, чапақай болаларнинг кўпчилиги ўзининг чап қўлда ёзишидан уялишар экан. Бир муддат ўнг қўлда ёзишга ҳаракат қилиб, удалай олмагач яна чап қўлда ёзишни бошлашар экан.

Маълумки, шу пайтга қадар чапақай инсонларнинг аксарият ноёб истеъдодга эга бўлишади, деган ақида мавжуд. Баъзи олимларнинг хулосаларига кўра, чап қўлда ишлайдиганлар бошқалардан деярли фарқи йўқ экан.

Чапақай болалар ёзишга бироз қийналишади. Чунки бирор бир матнни ёзаётганда чап қўл ёзилаётган ёзувни беркитиб туради, улар қайта-қайта ёзганларига қарайверишади. Ўнг қўлда ёзадиганлар эса ёзганларини кўриб туриб давом эттираверишади ва вақтдан ютишади. Аслини

олганда, бу вақтинчалик ҳолат. Доимий равишда чап қўл билан ёзиш натижасида баъзи чапақай болалар ўнг қўлда ёзадиганлардан ҳам ўзиб кетишади.

Агар минг дона сариқ теннис шарлари орасига бир дона қизил шарни аралаштириб ҳар икки тоифага мансуб инсонларга уни топишни илтимос қилсангиз, “ўнг қўл” киши ҳар бир шарни бирма-бир кўздан кечиргач, қизил шарни топади, чап қўл эса уларга умумий разм солиб қизил шарни анча аввал топар экан. Бунинг сабаби “ўнгқўллар” бирор бир ишни тугатмасдан туриб иккинчи ишни бошламас эканлар, чапақайлар эса бирварақайига бир нечта вазифани бажара олар эканлар.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўтказиладиган тадқиқотлар ўнгқўлларга нисбатан чапақай кишилар камчиликни ташкил қилишини кўрсатади. Бироқ, чапақайларнинг ўз-ўзини таъминлаш, яхши яшашга бўлган интилишлари ўнгқўлларникига нисбатан юқори деган фикр ҳам бор.

Тажрибалардан маълум бўлишича, катта ёшдаги инсонлар орасида чапақайлар камчиликни ташкил этар экан. Олимлар буни инсон ёшининг ўсиши билан изоҳлашади. АҚШда 20 ёшлиларнинг 12%, 50 ёшлилар орасида 5%, 80 ёшлилар орасида эса бор-йўғи 1%ни ташкил этар экан. Бунинг сабаблари ҳозирга қадар сир бўлиб қолмоқда.

Дунёда чапақайларга хизмат кўрсатадиган муассаса ва ташкилотлар, фирмалар жуда ҳам кўп. Фискарс компанияси фақат чапақайлар учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган ташкилотлардан биридир. Компания чапақайларга қулай канцелярия маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Ручка, ўлчовлар қарама-қарши томонга туширилган чизғич, тескари тигли қайчи ва бошқалар.

- Қадимда русларда чапақайларга ишонсизлик билан қарашган, ҳатто судда кўрсатма беришлари таъқиқланган

- 1991- йилда АҚШда ўтказилган тадқиқотга асосан чапақайлар автоҳалокатлар оқибатида ҳаётдан кўз юмишар экан

- 1970- йилда Буюк Британия ёшлар орасида чапақайларнинг умумий сонини аниқлаш учун тадқиқот ўтказди. Аниқланишича 11-24 ёшдаги эркак ва аёлларнинг тахминан 11% чапақайлар эканини маълум қилган

- Чап қўлда ёзувчилар араб, урду, форс ёзувларини ёзишга бироз қийналишади, чунки улар ўнгдан чапга қараб ёзилади

- Олимларнинг аниқлашларича чапақайлар ўнақайларга қараганда тўкинроқ ҳаёт кечиришар экан

- Ҳайвонлар орасида ҳам ўнг ва чап қўллар бўлар экан. Бундай деб аталишининг сабаби улар чап ёки ўнг олд оёқларини кўп ишга солишларидир

Чапақайлар асосан хонанда, актёр, композитор, боксчи, ёзувчи, рассом каби касбларга қизиқишар экан. Ҳақиқатдан ҳам ушбу касб эгаларининг кўпчиликлари чапақай эканликлари аниқланган

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

11. Azimov Y.Y., Qo'ldoshev R.A.. Husnixatga o'rgatishning amaliy asoslari (Metodik qo'llanma) GlobeEdit, 2020, -130 bet.

12. Безруких, М. М., Ефимова, С. П., Круглов, Б. В. (1995) Почему учиться трудно? М.: Семья и школа, 205 с.

13. Rustambek QO'LDOSHEV. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak? Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal Buxoro 2020-yil, 3-son 145-147 b.

14. Avezmurodovich, O. R. (2020). Difficulties in learning to write and read left-handed children. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), 40-45.

15. QO'LDOSHEV R. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak //Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal Buxoro 2020-yil, 3-son 145-147 b.

ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ

Р. М. Раҳмонова, БухДУ

Аннотацияси: Мақолада таълимни рақамлаштириш шароитида ўқув материални ўзлаштириш даражалари таҳлил қилинди. “Ўқув материали” атамаси, ўқув фаолияти хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари қайд қилинган.

Г.Н. Курбанова, Ш.Т.Юлдашова. РАЗВИТИЯ МЕТОДОВ ПРЕПОДОВАНИЯ В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ	186
М.Сатторов. УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА КЛЕВЕТУ	189
Qo'shshayeva A. A., Faxriddinova M.Q. BOLA PSIXOLOGIYASI VA UNING NUTQIDAGI NUQSONLAR	192
Dilsora Ergashova. FONETIK MASHQLARDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI	194
N.H. Hojiyeva. O'ZBEK TILIDA MEVA ETIMOLOGIYASIGA OID LUG'ATLAR	196
M.Z. Temirova. ATOM TUZILISHINING HOZIRGI ZAMON ATOMISTIK TALQINI.....	198
M.I.Adizova. 3-SINF O'QISH DARSLIGIDAN 1 SOATLIK NOAN'ANAVIY OCHIQ DARS ISHLANMASI	200
M. G. Садуллоева. УНИКАЛЬНЫЙ ИДИОЛЕКТ ГУЛХАНИ- БАСЕННИКА	206
G. Usmonova. BOSHLANG'ICH SINFLARDA GEOMETRIK MATERIALNI O'RGATISHNING UMUMIY MASALALARI.....	207
S.Cho'lliyeva. 1-SINF МАТЕМАТИКА DARSLIGIDAN 1 SOATLIK NOAN'ANAVIY OCHIQ DARS ISHLANMASI	208
М.О.Очилова, Р.Шамсуллаева. Бошланғич синф математика дарсларида ижодий фикрлашни шакллантириш.	210
A. Idiyev, J Hayitov. O'QUVCHILARDA FIGURA YUZI TUSHUNCHASINI SHAKLLANTIRISHGA DOIR USULIY TAVSIYALAR	212
Ю.Пўлотова, С.Ўктамова. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА	213
Ю.Пўлотова, Ф.Исоева. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСЛАРИ	215
M.M.Tilavova. TECHNOLOGIYA DARSLARIDA XORIJIY TA'LIM TIZIMIDAN FOYDALANISH.....	217
Ш.М.Фармонова. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	219
N.H.Rahmatov. BOSHLANG'ICH SINFLARDA ASOSIY MIQDORLARNI O'RGATISH JARAYONIDA PEDAGOGIK TECHNOLOGIYALARNI QO'LLASH SAMARADORLIGI	221
G. T. Cho'lliyeva. OHANG – NUTQIY JARAYONNING AJRALMAS BIRLIGI	225
Г. Ш. Рахмонова. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ.....	228
С.Р.Исмаатов, Ш.Ш.Шукруллаева. ГУРУХ РАХБАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ.	230
Р.А. Қўлдошев. ДУНЁДА ЧАПАҚАЙЛИК МУАММОСИ	234
Р. М. Раҳмоновна. ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ	236
Ю.Пўлотова. ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	239
Ю.Пўлотова. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КИТОБХОН СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИ	240
G. N.Davranova. MAKTABGASCHA YOSHDA GI BOLALARNING DUNYOQARASHINI KENGAYTIRISHDA O'YINCHOQLARNING AHAMIYATI.....	242
G. F. Yodgorova. BOSHLANG'ICH SINFLARDA XALQ OG'ZAKI IJODINING TARBIYAVIY AHAMIYATI.....	245
Г.А.Равганова, М.Б.Сатторова, Ҳ.Б. Сайпиллаева. ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ТАЛАБА ШАХСИНING ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	248
H. G'. Jumayeva. BOSHLANG'ICH SINFLARDA YOZUV VA HUSNIXAT DARSLARINI TASHKIL QILISH	250
Ҳ.Х. Ҳамзаев, М.Б.Абулқосимова, С.Б. Қодирова. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ ИНТЕГРАТИВ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАКЛЛАРИ	252
M.H.Nakimova, D. Halimova. МАТЕМАТИКА FANINI O'QITISHDA TA'LIM TECHNOLOGIYANI TATBIQ ETISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	254
М.Қувондиқова. ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ - ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЕТАКЧИ ШАКЛИ СИФАТИДА.....	256
R.X.Jumayev, M.Xayrullayeva. YOZUVGA O'RGATISH DARSLARIDA ZAMONAVIY USULLARDAN FOYDALANISH.....	258
М. Қувондиқова. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	260

N. G. Dilova. O'QUVCHILARI BILIMINI FORMATIV BAHOLASH - TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI.....	262
R.X.Jumayev, D.A.Ubaydullayeva. ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNI SAVODLI YOZISHGA O'RGATISH USULLARI	265
Ю.Пўлотова, Ж.Рамазонова. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ	267
А.Р.Ҳамроев, Х.Эргашева. СИНФДА ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИ	268
А.Р.Ҳамроев, С.Бахтиёрова. «ЎҚИШ КИТОБИ» ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ВАТАН МАВЗУСИ ИЛМИЙ-ОММАБОП АСАРЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.....	271
Ю.Пўлотова, О.Итолмасова. БАДИИЙ МАТНЛАРДАГИ ФОНЕТИК, ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ЎСТИРИШ.....	273
Ю.Пўлотова, О.Итолмасова. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	275
А.Р.Ҳамроев, Г.Жумаева. ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШ.....	277
Z.T.Sharopova. BOSHLANG'ICH SINF TEXNOLOGIYA DARSLARINI GENDER TENGLIK VA FARQLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH METODIKASI.....	278
M.A.Uktamova. "THE IMPORTANCE OF THE AUTHOR'S FAIRY TALE AND FOLKLORE IN PRIMARY SCHOOL LESSONS"	280
M.J. Turdiyeva, G. M. Davronova. TA'LIMDA INDIVIDUAL YONDASHUVLI TEXNOLOGIYANING AFZALLIKLARI.....	282
Э.Паноев. МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТИ	284
Shazadayev Farhod. BOSHLANG'ICH TA'LIMYDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING INNOVATION USULLARI HAQIDA.....	285
Э.Паноев. МУЛК ҲУҚУҚИ-ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚ.....	289